

Турдибоева Шахлохон Хакимжон қизи

Фарғона давлат университети

мустақил тадқиқотчиси,

Ўзбекистон

Turdiboeva Shakhlokhan Hakimjon qizi

Independent researcher of

Fergana State University,

Uzbekistan

**ЧЎНТАК ГОСТРОНОМИК ТУРИЗМ МАРКАЗИНИНГ
ШАКЛЛАНИШИДА ГЕОГРАФИК ОМИЛНИНГ ЎРНИ.**

**РОЛЬ ГЕОГРАФИЧЕСКОГО ФАКТОРА В ФОРМИРОВАНИИ
ЦЕНТРА ГАСТРОНОМИЧЕСКОГО ТУРИЗМА ЧУНТАК**

**THE ROLE OF THE GEOGRAPHICAL FACTOR IN THE FORMATION
OF THE POCKET GASTRONOMIC TOURISM CENTER.**

Аннотация: Ушбу мақолада Чўнтак чойхонаси мисолида Фарғона водийсида гастрономик туризмни ривожлантириш имкониятлари таҳлил қилинган. Хусусан, ҳаво харорати ва ёғин миқдорининг Фарғона водийси бошқа ҳудудларига нисбатан фаркли бўлиши, инсон саломатлиги ва дам олиш имкониятларига ижобий таъсир этувчи омил сифатида қайд этилган. “Чўнтак” чойхонасида тайёрланадиган таомларнинг мазаси унинг географик жойлашуви билан боғлиқ ҳолда ёритилган. Гастрономик туризм учун табиий кондиционер ҳисобланган бу ҳудуд сайёҳлар учун жозибадор маскан сифатида тавсифланган.

Аннотация: В статье рассматриваются возможности развития гастрономического туризма на примере чайханы "Чўнтак", расположенной в Ферганской долине. Автор анализирует климатические и географические особенности территории, включая температурные различия, уровень осадков и влияние горно-долинных ветров. Особое внимание уделено тому, как природные условия способствуют созданию уникального микроклимата, что повышает привлекательность региона для туристов. Утверждается, что вкус блюд, приготовленных в чайхане, во многом определяется особенностями местоположения. Регион представлен как природный кондиционер, благоприятствующий гастрономическому туризму.

Abstract: This article explores the development potential of gastronomic tourism in the Fergana Valley, using the “Chontak” teahouse as a case study. The author highlights the unique natural and climatic features of the region, such as temperature differences, precipitation levels, and the influence of mountain-valley winds. These factors create a favorable microclimate that enhances the area's appeal for tourists. The taste and quality of the dishes served at the teahouse

are examined in relation to its geographic setting. The “Chontak” location is presented as a natural "air conditioner," offering a refreshing atmosphere and cultural relaxation, making it an attractive destination for gastronomic tourism.

Калит сўзлар: *Гастрономик туризм, Фарғона водийси, Чўнтак чойхонаси, иқлим, табиий кондиционер, шамоллар, саёҳат, миллий таомлар, табиий-географик ўрни, оромбахш муҳит.*

Ключевые слова: *Гастрономический туризм, Ферганская долина, чайхана Чонтак, климат, природный кондиционер, ветры, путешествие, национальная кухня, природно-географическое положение, благоприятная атмосфера.*

Keywords: *Gastronomic tourism, Fergana Valley, Chontak teahouse, climate, natural air conditioner, winds, travel, national cuisine, physical-geographical location, relaxing environment.*

Кирриш: Туризм жаҳон иқтисодиётининг энг йирик тармоқларидан бири бўлиб, кўплаб мамлакатларнинг миллий иқтисодиёти таркибида муҳим ўрин тутди, айримлари учун эса халқаро ихтисослашуви, аҳоли бандлиги ва фаровонлигининг асосини ташкил этади. Туризм энг тез ривожланаётган тармоқлардан бири ҳисобланади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, туризм ХХІ асрнинг энг даромадли соҳасига айланди. Туризм транспорт, озиқ-овқат, меҳмонхона, савдо- сотиқ, ҳунармандчилик, қурилиш ва бошқа хизмат турларини ҳам ривожланишига олиб келади. Ўзбекистонда туризм соҳасини тубдан ислоҳ қилиш миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг стратегик йўналишига айлантириш ва унинг диверсификация ва ҳудудларни жадал ривожланишини таъминлаш борасида устувор вазифалар сифатида белгиланган .

“Туризм” сўзининг тарихий илдизлари, тилшуносларнинг тахминларига кўра, “айлана бўйлаб ҳаракат” маъносини билдирган латинча “tornus” сўзига бориб тақалади. [7]

Биринчи бўлиб, “туризм” атамасига илмий таърифни 1830 йилда француз олими В.Жекмо берган эди. Унинг фикрича, “туризм йўлга чиққан жойга қайтиб келиш билан яқунладиган саёҳатдир” [8].

Гаага декларациясида туризм қуйидагича тавсифланган: “Туризм миллатлар ҳаётида барча соҳаларнинг байналмилаллашуви натижаси ўларок инсонлар ва замонавий жамоалар ҳаёт фаолиятида муҳим ҳисобланган

шахсий, маданий, сиёсий ва иқтисодий алоқалар ўрнатишнинг асосий воситасига айланди” [6].

Шунингдек, Япониянинг Осака шаҳрида бўлиб ўтган Туризм лидерларининг халқаро анжуманида қабул қилинган Декларацияда мазкур соҳанинг миллий иқтисодиётларга қўшаётган салмоқли ҳиссасини инобатга олиб, “туризм - замонавий иқтисод феномени”, деб эътироф этилган [9].

Бизда туризм кўпинча қадимий шаҳарларимиз, тарихий-маданий ёдгорликлар доирасида чекланиб қолмоқда. Ваҳоланки, мамлакатимизнинг бетакрор табиати, миллий қўриқхоналар, тоғли ҳудудларда туризмни ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд.

Туризмни мақсадига кўра бир нечта турларга ажратиш мумкин. Улар орасида гастронимик туризм ҳам алоҳида ўринга эга.

Гастронимик туризм - мамлакат билан унинг гастронимияси, маҳаллий ошхонаси ва пазандалик маҳорат дарслари орқали танишиш учун саёҳат ва гастронимик турлардир. *Global Report on Food Tourism* тадқиқотларига кўра, туристларнинг 79 % и ўз саёҳат йўналишларини гастронимик тадбирлар ва миллий таомларнинг ўзига хослигига қараб шакллантиради. Ҳар уч сайёҳдан бири миллий таомларни саёҳат учун мотивация деб ҳисоблайди ва саёҳат давомида 30 % маблағини овқатланиш учун сарфлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2021 йил 9 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6165-сон Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 февралдаги 120-сон “Муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар, масжидлар ва қабристонларни ободонлаштириш ишларини самарали ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори ҳамда ушбу соҳага тегишли бошқа меъёрий-

хукукий хужжатлар белгиланган вазифаларни амалга оширишда дастури амал бўлиб хизмат қилади.

Аналогия- (мослик, айнан, ўхшашлик) нарс ва ҳодисалар бирор хусусиятларнинг ўхшашлигини ўрганиш усулидир. Бу усул ёрдамида икки ёки бир неча предметнинг ўхшаш хусусиятлари ўрганилади. Масалан, физикада аналогияга тебраниш контуридаги, бир учи маҳкамланган пружинанинг, сув юзида сузиб юрган жисмнинг, маятникнинг ва ҳаказоларнинг тебранишлари мисол бўла олади. Аналогия усули моделлаштириш жараёнида ишлатилади.

Моделлаштириш- объектнинг айрим хусусиятлари ва белгиларини унинг ўзида эмас, балки унинг ўлчамлари кичиклаштирилган, ўзига айнан ўхшаш нусхасида (моделида) илмий изланишлар олиб бориш жараёнидир. Моделлаштириш асосида тадқиқ қилинаётган объект билан унинг модели ўртасида ўхшашлик, мувофиқлик ётади.

Агар ҳудудларни аналогия усули орқали тадқиқ этадиган бўлсак. Табиатда ҳам ҳаво ҳароратини бир меъёрга ушлаб турадиган доимий шамоллар таъсирида ҳавонинг намлигини, софлигини таъминлайдиган оромбахш ҳаво оқимлари йўлида жойлашган ҳудудлар мавжудлигини кўришимиз мумкин.

Биология билан техника фани ўртасида вужудга келган бионика фанини ўзига хос талқинини географияда ҳам кузатиш мумкин. Бионика (юнонча бион — ҳаёт элементи, асл ма'носи — яшовчи) - кибернетиканинг янада мукаммал техник воситалар ёки қурилмаларни яратиш мақсадида организмларнинг тузилиши ва ҳаёт фаолиятини ўрганадиган бир йўналиши. Кишиларни физиологик жиҳатидан нормал ҳаёт кечиришлари ва дам олишлари учун энг кўп таъсир этадиган табиат компоненти бу иқлимдир. Иқлимни кишилар учун муқобил ҳолатга келтирувчи мослама техникада ишлаб чиқилаган бўлиб, бу қурилма кондиционердир.

Кондиционер (инглизча: сондитионер) - қурилиш иншоотлари, транспорт воситалари ва бошқа ускуналар биноларида мақбул иқлим шароитларини сақлаб турувчи қурилма.

Энг оддий шаклда кондиционер хонадаги ҳаво ҳароратини тартибга солиш ва сақлаш учун мўлжалланган.

Кондиционер- ҳавони мўътадиллаш агрегати; вентилятор, ҳавони иситкич, ҳавони совиткич ва ҳаво филтрларидан иборат.

Атроф географик муҳитда ҳам худди шундай кондиционер кўринишида ишловчи ўзига хос табиий ҳудудлар мавжуддир. Бундай ҳудудларда ёз ойларида ҳаво температурасини одатдаги атрофдан ёз ойларида 2-40 С пастроқ бўлиши кузатилади. Гастрономик туризм соҳасида олиб борилаётган тадқиқотларимиз натижасида шундай ҳудудлардан бири бўлган, Асака шаҳридаги “Чўнтак” чойхонаси ҳудуди ўрганиб чиқилди. Бу ҳудуд Фарғона водийсининг чекка жанубий шарқий қисмидаги Ойим-Хўжаобод-Марҳамат ботиғи билан Фарғона водийси бошқа ҳудудларини ажратиб турувчи адирлик ҳудудида жойлашган. Бу адирлик Асака адири ва Бўстон адирини Шахрихонсой кесиб ўтган кўндаланг водийнинг чекка шимоли-шарқий қисмида жойлашган. Бу ҳудуд иқлимшунослик назарияси асосида таҳлил қилинса, Бабушкин маълумотларига кўра адирларнинг жануб томонлари ҳудудида ҳавонинг ёз ойларидаги ўртача температураси 28–32 °С бўлса, адирнинг шимол томонида жойлашган Фарғона ҳудудлари температураси 25–28 °С ташкил этади. Худди шунингдек, намлик миқдори Марҳамат туманида 200-300 мм бўлса, адирнинг шимол яъни водий қисмида бу миқдор бошқача кўрсаткичга эга. Бундан ташқари Фарғона водийси учун хос бўлган тоғ водий шамолларининг эсиши ҳам бу ерда ўзига хос иқлим шаклланишига олиб келади. Тоғ водий шамоллари кўпроқ йилнинг иссиқ вақтларида фаоллашади.[4]

Бу ҳудуд йил фасллари бўйича турли йўналишдаги шамоллар таъсирида бўлади. Январда 50-60% шамоллар шарқдан, 30% и шимолдан, июлда ҳам

худди шундай бўлса-да, лекин баҳор (апрель) вақтида 40-50% шарқдан, 30% шимолдан, 20-30% и жануби-ғарбдан эсади. [5]

Тоғ олди ландшафтлари учун маҳаллий тоғ-водий шамоллари ҳам характерлидир. Улар одатда кундузги иссиқ ҳаво оқимининг юқорига кўтарилиши, кечкурун совигандан сўнг водийга ёки юқоридан пастга эсиши туфайли юзага келади. Қиш фаслида бу шамоллар янада фаоллашади.

Ҳаво хароратининг йил давомида водийнинг бошқа қисмларидан 2-3⁰С баъзи йиллари 4-5⁰С пастроқ бўлиши, ёғин миқдорининг эса 100-150 мм кўпроқ ёғиши ҳудуддаги иқлимнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Бу ўзига хослик ҳудудда оромбахш ҳавони юзага келтиради.

“Чўнтак” чойхонасининг мана шундай табиий кондиционер ҳудудда жойлашганлиги унда гастронимик туризмнинг шаклланишига сабаб бўлган. Чойхонада тайёрланаётган таомларнинг мазаси бошқа ҳудудда тайёрланаётган таомлар мазаси, сифати билан бир хил лекин, “Чўнтак” чойхонаси ҳудудга келувчилар сонининг кўплиги билан ажралиб туради. Чойхонага ташриф буюрган инсон оромбахш ҳаводан тўйиб нафас олади ва маданий ҳордиқ чиқаради. Бу ҳудуд ҳақида хонандалар томонидан қўшиқлар куйланган.

Асаканинг чўнтагида майин эсган шабода

Ширмон юзли жанонани кўрмадингми мободо.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдулахатов Н. Кўхна Марғилон зиёратгоҳлари. «Фарғона» нашриёти, 2007.
2. Аҳмадалиев Ю. Фарғона вилояти топонимлари.// «Фарғона» нашриёти, 2009.
3. Аҳмадалиев Ю.И. Ер ресурсларидан фойдаланиш геоэкологияси. Т.: «Фан ва технологиялар» нашриёти, 2014.
4. Бабушкин Л.Н., Когай И.А., Закиров Ш.С. Агроклиматические условия сельского хозяйства Узбекистана. –Т.: Мехнат, 1985
5. Боймирзаев К. Фарғона водийси воҳа ландшафтларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш. – Т.: Фан, 2007

6. Гагская декларация по туризму (Принята Межпарламентской конференцией по туризму в Гааге (Нидерланды) 14 апреля 1989 г.)
7. Долженко Г.П., Савенкова Л.Б. Термины «туризм» и «турист» в русской лексике: хронологический аспект // Географический вестник. 2011. №4. – С. 73-76.
8. Кусков А.С., Джаладян Ю.А. Основы туризма: учебник. – М.: КНОРУС, 2011. – 392 с.
9. Осакая декларация современности (Принята Конференцией лидеров туризма Тысячелетия 30 сентября-1 октября 2001. в г. Осака, Япония)